

8-28-2019

Imaginations of different animals in the system of the traditional world outlook of Uzbek folk

X. Rakhmatillayev

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

S. Sokhibov

Ferghana State University, Ferghana, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [History Commons](#)

Recommended Citation

Rakhmatillayev, X. and Sokhibov, S. (2019) "Imaginations of different animals in the system of the traditional world outlook of Uzbek folk," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 2 , Article 29.

DOI: 93/99+39+398.9

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol2/iss3/29>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

УДК: 93/99+39+398.9

ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЪАНАВИЙ ДУНЁҚАРАШИ ТИЗИМИДА ТУРЛИ ҲАЙВОНЛАР БИЛАН
БОҒЛИҚ ТАСАВВУРЛАРПРЕДСТАВЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С РАЗНЫМИ ЖИВОТНЫМИ В СИСТЕМЕ
ТРАДИЦИОННОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ УЗБЕКСКОГО НАРОДАIMAGINATIONS OF DIFFERENT ANIMALS IN THE SYSTEM OF THE TRADITIONAL WORLD
OUTLOOK OF UZBEK FOLK

Х.Рахматиллаев, С.Сохибов

Аннотация

Мақолада Фарғона водийсида илонга сиғиниш ўрганиб чиқилган ва бу эътиқод билан боғлиқ бир неча мисоллар кўрсатилган. Илон аҳолининг эътиқодида алоҳида ўрин тутган ва у билан боғлиқ бир неча урф-одатлар сақланиб қолган. Муаллиф маҳаллий аҳолининг замонавий қарашлари ва эътиқодини таҳлил қилади.

Аннотация

В статье исследуется культ змеи в Ферганской долине и приводятся несколько примеров относительно верований, связанных с этим культом. Змея имеет особое место в религиозных представлениях населения, сохраняющего несколько ритуалов. Автор проанализировал современные взгляды и верования местных жителей.

Annotation

The given article deals with the issues of snake cult in Ferghana Valley. Snake has a special place in belief of people, which was kept in some rituals. Author analyzed modern views and beliefs of local people.

Таянч сўз ва иборалар: илон, афсона, "Нух кемаси", дунёқараш, мазор, эътиқодлар, Сабртепа, аждар, безак, мақола.

Ключевые слова и выражения: змея, миф, "Ноев ковчег", мировоззрение, могила, верования, Сабртепа, дракон, орнамент, синкретический, пословица.

Keywords and expressions: snake, myth, "Noah's ark", viewpoint, tomb, belief, Sabртеpa, dragon, ornament, syncretic, proverb.

Инсон турмуш тарзи, машғулоти, дини, санъати ҳамда атроф муҳит тўғрисидаги тасаввурларнинг асосий объекти ҳаммиша табиат бўлиб, асрлар давомида одамзод маданиятининг ўзаги сифатида сақланиб келмоқда. Табиат ва инсон муносабатларининг асосий воситачиси ҳисобланган ҳайвонот олами тўғрисидаги тасаввурлар тарихи ибтидоий даврга бориб тақалиши шубҳасиз. Дунё халқлари диний қарашларида азалдан илон энг сирли ҳамда энг муҳим жонивор ҳисобланади. Деярли барча ҳаҳон халқлари мифларида, эртақларида илон образини учратиш мумкинлиги бунинг ёрқин исботидир [1].

Ўрта Осиёда истиқомат қилиб келган аждодларимиз ва ҳозирги кунда яшаётган аҳоли вакиллари тасаввурларида илон билан боғлиқ қарашлар алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу илмий муаммони ўрганишда қатор масалалар ўз ечимини кутмоқда. Булар: ўзбек халқи дунёқарашида бугунги кунда илон билан боғлиқ қандай стереотип мавжуд? Аҳоли вакиллари томонидан илонга нисбатан қандай муносабат ҳукм суради? Илон одам учун ким? Биз ушбу мақоламизда юқоридаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Илон билан боғлиқ қарашлар шубҳасиз

мифологик базага эга ҳисобланади ва дунёқараш қандай шаклланишига таъсир қилади. Аҳоли орасида илон ҳақидаги ривоят ҳамда афсоналар дуалистик характерга эга. Энг кенг тарқалган ривоят шубҳасиз, "Нух кемаси" ҳисобланиб, унда илон салбий образ сифатида гавдаланади ҳамда қалдирғочнинг уддабуронлиги туфайли инсон ҳаёти сақланиб қолинади [1]. Лекин айнан илон кемада ҳосил бўлган тешикни беркитиб, бутун ҳайвонот олами ҳамда одамларни ҳалокатдан сақлаб қолади.

Энг қадимги ривоятлардан яна бири илоннинг пўст ташлаши билан боғлиқ тасаввурлар ҳисобланади. Унга кўра пўст ташлаган илон янада ёшариб бораверади. Бу шубҳасиз қадимий диний қарашлар ҳамда маданий алоқаларнинг маҳсули ҳисобланади [3].

Ҳозирги кунда аҳоли тасаввурларида илонга нисбатан ўзига хос ишонч шаклланган бўлиб, инсон ҳамда ушбу жонивор ўртасидаги муносабатлар ушбу қарашлар асосига қурилган. Илон улар учун ҳимоячи тарзида гавдаланади. Азалдан аҳоли вакиллари ҳар бир уйнинг ўз кўриқчиси бўлишига қаттиқ ишонганлар. Андижонлик ахборотчининг маълум қилинишича, илонлар уйларнинг кўриқчиси сифатида эъзозлаб келинган. Унинг айтишича, ҳовлида

Х.Рахматиллаев – ФарДУ, тарих фанлари номзоди, доцент.

С.Сохибов – ФарДУ Ўзбекистон тарихи мутахассислиги II курс магистранти.

ИЛМИЙ АХБОРОТ

кулча бўлиб ётган илонларга тегилмаган ва, аксинча, ҳимоячи дея тушунтирилиб, озор бериш таъқиқланган. Аҳоли вакиллари ҳовлисида илонга кўзи тушиб қолса, унинг устидан озига ун сепиб, “мен сенга тегмайман, сен менга тегма”, деб айтиб қўйиш даркор бўлган [3].

Одамлар онгида ушбу жониворнинг қасоскорлиги ҳақидаги ишонч ҳам диққатга сазовордир. Илонни сабабсиз ўлдириш, озор беришнинг таъқиқланиши ортида табиат кучлари олдидаги инсоннинг ожизлиги, таъбир жоиз бўлса кўрқув ётади. Бу ҳолат инсон томонидан бажарилаётган ҳар бир ишга жавоб бериш, жониворларга етказилган зарарга хун тўлаши муқаррар экани тўғрисидаги ишончнинг бир кўриниши ҳисобланади. Бу ҳолатни культнинг неготив ва позитив тарафлари сифатида қабул қилинади [2]. “Қасоскорлик” неготив характердаги культ кўринишидир. Ҳозирги кунда ҳам аҳоли вакиллари илонга озор бериш, илон томонидан қасоссиз қолмайди деб тушунадилар [1].

Фарғона водийси аҳолиси тасаввурларида илон қасоскорлиги ҳақидаги ривоятлар жуда ҳам кўп учрайди. Уларнинг фикрича илон бесабаб ташланмайди ёки ҳеч қандай сабабсиз инсон уйига кирмайди. Илонга нисбатан муносабатнинг яна бир ўзига хос характери шундан иборатки, халқ мақолларида алоҳида ибора ҳамда тушунчалар шаклланган. Масалан: “Тушда кўрсанг ганч, ўнгда кўрсанг янч” [1].

Илонни қасоскорлигининг яна бир кўринишини қалдирғоч билан боғлашади. Одамларнинг фикрича қалдирғоч инсон ҳаётини сақлаб қолгани, илонга энг тотли гўшти аниқлашга ҳалақит бергани учун илон томонидан таъқиб қилиниб келади. Бунинг исботи сифатида қалдирғоч ҳаминиша одамларнинг уйларига ин қуриши тўғрисидаги далил келтирилади. Ахборотчиларнинг берган маълумотига қараганда, инсон ҳаётини сақлаб қолган қалдирғочдан ўз қарзини уни илондан ҳимоя қилиш орқали узиши мумкин экан.

Шунга қарамай, илонга нисбатан ўзига хос ижобий тушунчалар шаклланган бўлиб, аҳоли вакиллари бу тасаввурларга нисбатан кўпроқ ишонадилар. Деҳқончилик билан шуғулланувчи кишилар томонидан илонга нисбатан ижобий қараш мавжуд бўлиб, бу ҳолат унинг рангидан келиб чиқади. Ҳозирги кунда айрим аҳоли вакиллари ўз уйларида маълум давр оралиғида кўзга ташланиб қолган “оқ илонни” барака ҳамда бойлик рамзи сифатида қабул қиладилар. Фарғона вилояти Олтиариқ туманилик ахборотчининг маълум қилишича, оқ илон экин майдони ичида ёки ҳовлида кўринган йили ҳосил мўл бўлади ва шу йил даромадли келади. Агар илон кўзга ташланмаса, демек деҳқончилик ҳосили яхши бўлганда ҳам, катта

даромад олиб бўлмайди [1]. Шунинг учун ҳам одамлар оқ илонга озор бермасликка ва унинг кўриниш бериши алоҳида белги эканига ишонадилар.

Илонга хос бўлган салбий характерни эса асосан, диний тасаввурлар билан боғлиқ тушунчалар ҳамда маросимларда учратиш мумкин. Хусусан дафн маросими ва қабристон билан боғлиқ қарашларда илонга нисбатан ўзига хос ишонч шаклланган. Илон “қабристон кўриқчиси, эгаси” ёки “қабр илонлари” бўлиши мумкин деб тасаввур қилинади. Андижон вилояти Булоқбоши тумани аҳолиси қарашларида “қабристон илони” тушунчаси алоҳида аҳамият касб этиб келган. Азалдан қабристоннинг пойлоқчиси ва эгаси сифатида “сарик илонлар” мавжуд бўлиб, одамлар уларни яна “қабр илони” дея номлаганлар. Азалдан исломий тасаввурларга кўра илонни гуноҳ ишлар қилган инсонларнинг қабрига кириши тўғрисидаги ишонч устун ҳисобланади. Бундан ташқари, қишлоқларда айрим қабрлар кавланиш жараёнидаёқ илонлар чиқиб келиши марҳумнинг қандай инсон бўлганлиги билан боғлиқ деб тушунадилар. Фарғона водийси аҳолиси қарашларида “қабр илони” асосан қора рангда тасаввур қилинади ҳамда марҳумнинг қабрдаги азобини амалга ошириш учун келади деб фарз қилинади [3].

Ширмонбулоқ қабристонидан учровчи “сарик илонлар” эса азоб берувчи эмас, балки, қабрларни кўриқловчи куч сифатида тасаввур қилинади. Қишлоқликлар томонидан уларга озор бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги ишонч кенг тарқалган ҳамда аҳоли вакиллари бугунги кунда ҳам амал қилиб келади.

“Қабристон илони” билан боғлиқ ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, аҳолининг катта авлоди томонидан яхши эсланади. Унга кўра аҳоли томонидан “қабристон илони” дея тушунилувчи улкан сарик илон – аждар бўлган экан. Аждар икки қишлоқ чегарасида жойлашиб олиб ягона мавжуд бўлган йўлни тўсиб қўйган экан. Буни исботи сифатида топонимик ривоят келтириб ўтилади. Қўшни Найман қишлоғининг Саровонтепа маҳаласи қадимда “Сабртепа” деб аталган деб тасаввур қиладилар. Аждарҳо одамларни ўтказмай қўйгач, улар ушбу тепалиқда сабр қилиб кутган эканлар [3].

Аҳоли вакиллари бундай қарашлари мифологик характерга эга бўлиб, қадимги афсона ва ривоятларга бориб тақалади, одамлар хотирасида бу каби тушунчалар шаклланишига сабаб бўлган. Бундай ривоятлар синкретик характерга эга бўлиб, азалдан мавжуд мифологик қарашлар билан қоришиб кетган ҳисобланади.

Инсон онгида ҳаминиша табиатнинг сирларига нисбатан шаклланган қарашлар

доимий равишда трансформацияга учраб боради. Улар бойиб боради ёки унут бўлади. Илоннинг пайдо бўлиши, инсон билан муносабати тўғрисидаги қарашлар қадимги диний тасаввурлар илдизига эга бўлса, кейинчалик мусулмон қарашлари устунлик қилган. Бундай ривоятлар одамни табиатни асраш, унинг қаҳрига учраб қолмаслик руҳида вужудга келган бўлиб, асрлар оша сақланиб, сайқалланиб келмоқда.

Шу билан биргаликда, инсон томонидан табиат кучларини кузатиш, айрим жониворларнинг ўзини тутиши билан боғлиқ тасаввурлар шаклланган ҳисобланади. Инсон илонни кузатиш орқали, жониворнинг ўзини тутишига нисбатан психологик идентификация қилиб борган. Бу одамлар учун жониворни янада яхши тушуниш, унинг ҳавфи вужудга келганда ўзини ҳимоя қилиш ҳамда унинг хусусиятларидан вербал жараёнда инсонларга нисбатан метафорологик қўллаш имкониятини беради [4].

Зооморфик белгилар қаторида илон тасвири ҳам алоҳида ўринга эга бўлиб, бугунги кунда ҳунармандчилик соҳаларида яққол кўзга ташланади. Масалан: от эгари ясалашади шакл катта аҳамиятга эга бўлиб, чавандозга қулайлик туғдириши даркор. Эгар шакли “кобра” деб аталувчи ҳолатда ясалади. Эгарга ён томондан синчиклаб назар ташланса, унинг ҳамлага тайёрланаётган кобра шаклида эканини пайқаш қийин эмас. Эгар ясовчи уста берган маълумотга қараганда эгар шундай шаклда ясагани одатий тусга кирган [3].

Фарғона вилояти Риштон тумани ҳунармандлари сопол буюмларида ҳам илон шаклидаги орнаментларни учратиш мумкин. Азалдан усталар болалар учун жониворлар шаклидаги сопол хуштак, ҳайкалчалар ва бошқа ўйинчоқларни ясаб келишган ва илон шаклидаги безак кам бўлса ҳам учраб туради. Бунга мисол қилиб анъанавий шамчироқларни безашда илон образидан кенг фойдаланилганини кўришимиз мумкин [4].

Халқ орасида анималистик тасаввурларга кўра илон образи негатив

тушунчаларни ўзида акс эттириб, эртақларда, афсоналарда муҳрланган. Унинг хулқ-атвори билан боғлиқ қарашлар мақол ҳамда фразеологияга кўчган. Бугунги кунда бир қатор мақолларда илон образи билан боғлиқ қарашларни учратишимиз мумкин. Улар: “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан”, “Бир илон бир уйда одамни тинчитмас”, “Ёмон илон тегирмон бошида айланар”, “Ёмоннинг жағига илон тухум кўяр”, “Илон ўз захридан ўлмас” ва бошқалар [3].

Бу каби мақолларда асосан илон ёмонлик рамзи сифатида гавдаланади. Негатив характер алоҳида маданий кодни вужудга келтириб, инсон тасаввурлари маҳсули ҳисобланади. Бундан ташқари, одамлар орасида ўта хушёр ва айёр кимсаларга нисбатан ҳам метафорик тарзда қўлланади ва ҳозирги кунда ҳам аҳоли орасида жуда кенг тарқалган.

Илон табиат кучларини ўзида мужассам этган жонивор сифатида қадимдан инсон ҳаёти ҳамда диний тасаввурларида катта аҳамият касб этган. Бунга юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Илонга нисбатан бугунги кундаги мавжуд тасаввурлар уни “сақловчи”, “қўриқчи”, “қасоскор”, “душман” каби қарашларда ифода этилади. Илон халқ учун ҳамон яхшилик ва ёмонлик тушунчаларининг бир белгиси сифатида ҳам эъзозланади, озор бериш таъқиқланади вабир вақтнинг ўзида ундан “ёвузлик”, “ўлим” элчиси, ташувчиси сифатида кўрқадилар.

Фарғона водийси аҳолиси илон култи билан боғлиқ тасаввурлар шуни кўрсатадики, қадимий диний эътиқод излари билан биргаликда аҳоли орасида мусулмон анъана ҳамда қарашлари синкретик тарзда шаклланган. Илон воситасида инсоннинг табиат кучларига нисбатан шаклланган кўруви ётади. Минг йиллар давомида одамзод томонидан илоҳийлаштирилган жониворлар ва улар билан боғлиқ қарашлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Бу эса мавжуд жониворнинг инсон ҳаёти ва фаолиятида нақадар катта аҳамият касб этишини кўрсатиб беради.

Адабиётлар:

1. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Полосон шаҳарчаси. - 2018.
2. Jeang Lang. A book of Myths. New York, G. P. Putnam's sons. -1914.
3. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғи. -2018.
4. Бахронова Д.К. Антропоморфизмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. -Т.: Fan va texnologiya, 2018.
5. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Риштон шаҳри. 2018 йил. Комилов Исмоил. -1961.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).